

ФУТБОЛ ЎЙИНИ ТЕХНИКАСИГА НАЗАРИЙ ЁНДОШУВ

Б.Б. Жаҳонгиров

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт
университети доценти

А.Б.Бўронов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт
2-курс магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда спорт турларининг шу жумладан футбол спорт турининг ривожланиши, ислоҳотлар натижасида вужудга келган янги ўйин қоидалари, маҳсус сифатлар, ҳаракат усуслари ўкув-машғулотлари мазмунига янгича ёндошиш, таркибига янги машқларни киритиш ва машғулот-мусобақа бирлигини таъминлаш муҳимлиги, техник ва тактик тайёргарлик ҳақида маълумот берилган

Калит сўзлар: мамлакат, спорт, ривожланиш, ўйин қоидалари, маҳсус сифатлар, ҳаракат усуслари, машқлар, мусобақа, тайёргарлик, модул.

Abstract: This article contains information about the development of sports in our country, including football, new rules of the game, special qualities, methods of movement, a new approach to the content of training, the importance of including new exercises and ensuring training and competitive unity. technical and tactical training resulting from the reforms.

Key words: country, sport, development, rules of the game, special qualities, methods of action, exercises, competitions, training, module.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида спорт турларининг ривожланишига алоҳида эътибор берилди, натижада спорт турларини оммалашишига катта ёрдам бермоқда. Бошқа спорт турлари қатори футбол ҳам. Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси (футбол) модули тараққиётининг устувор йўналишларини ҳисоблашда, футбол спорт турини пайдо бўлиш босқичларини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Футбол жисмоний тарбия ва соғломлаштириш воситаси сифатида ҳам энг оммавийлашган спорт турига мансубдир. 1996 йил июл ойида АҚШ нинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Конгрессида эълон қилинганидек ушбу спорт ўйини жаҳон миқёсида футбол етакчи ўринни эгаллайди. [1]

Футбол ўзининг оммабоблиги, гўзал ўйин мазмуни, каттаю-кичик ёшдаги инсонлар диққатини ўзига ром қилувчи хужум ва ҳимоя комбинациялари билан нафақат шаҳар ва туманлар марказларида, балки узок қишлоқларда, маҳаллаларда, тўй ва байрамларда баҳс-рақобат, сиҳат-саломатлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик воситаси сифатида турли ёш қатламга мансуб аҳоли ҳаётига кириб бормоқда. Футбол ўқув модули сифатида ҳам барча таълим муассасалари ўқув режасига киритилган. Айниқса, футболни “Умид нихоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”, “Хотин-қизлар спартакиадаси”, “Фахрийлар” мусобақалари ва беш ташаббус мусобақалари каби кўп босқичли ва мунтазам ўтказилиб келинаётган нуфузли спорт тадбирлари дастуридан жой олиши, уни географик чегараси ҳамда шуғулланувчилар сони кескин орта боришига замин яратди. [2]

Замонавий футбол XX аср охирлари ва XXI асрдан бошлаб ўзининг табиий тараққиёти туфайли ҳамда мусобақа қоидаларининг ўзгаришлари сабаб янгича мазмунга эга бўлди. Ўйин қоидаларининг тубдан ўзгариши нафақат ғолибликка даъвогар жамоалар рақобати билан белгиланади, балки маълум даражада бозор муносабатларига ҳам боғлиқдир. Маълумки, йирик нуфузли Жаҳон, Осиё чемпионатлари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари ҳамда бошқа юқори рейтингли халқаро турнирлар, Кубок мусобақалари) ўтказишида кўплаб

телерадиокомпаниялар, журналистлар ушбу мусобақаларни телетрансляция қилиш, репортажлар олиб бориш учун маҳсус аккредитацион талабларни қондиришлари лозим. Мусобақа қоидаларининг бундай ўзгариши ўйин шиддатини кескин жадаллаштириди, ўйинчилар фаоллигини оширди, томошабинлар қизиқишини кучайтириди. [3]

Бугунги кунгача футболнинг ривожланишига бағишенган қўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар Ўзбекистонда (И.А.Кошибахтиев, 1975; Г.М.Сергеев, 1980; Г.М.Сергеев хам муаллифликда 1997; Р.А.Ақрамов 2001; Р.И.Нуриров, 2005; О.А.Қурбонов, 2007), ҳорижий мамлакатларда (К.И.Адамбеков, 1980; К.И.Джанузаков, 1982; Лукшинов ҳаммуаллифликда 1990; А.В.Петухов, 1990; М.М.Шестаков, 1990; А.П.Золотарёв, 1991; Т.Т.Иманалиев, 1993; А.П.Герасименко 2002; С.В.Голомазов 2002) тадқиқ қилинган. [4]

Алоҳида шуни таъкидлаш жоизки, мусобақа қоидаларининг тубдан ўзгариши ўйин усулларининг тамомила янги авлодларини вужудга келишига асос бўлди. Ушбу ўзгаришлар натижасида вужудга келган янги ўйин элементлари, маҳсус сифатлар, ҳаракат усуллари ўқув-тренировка машғулотлари мазмунига янгича ёндошиш, таркибига янги машқларни киритиш ва машғулот-мусобақа бирлигини таъминлаш мухимлигини белгилайди. “Бугун биз учун” “Техник тайёргарлик”, “Тактик тайёргарлик” деган ибораларнинг айтилиши одатий тусга айланиб қолди. “Интеграл тайёргарлик яъни яхлит тайёргарлик иборалари эса янгидан ўзига энди йўл топаяпди. [5]

Мамлакатимиздаги таниқли футбол мутахассисларидан А.Р. Имомхўжаев, п.ф.н, доц. профессор Р.И. Нуриров, Г.М. Сергеев, п.ф.н, доц. Р.А. Ақрамов, п.ф.н, педагогика фанлари доктори, профессор И.А. Кошибахтиев, п.ф.н, доцент А.И. Толибжонов, п.ф.н, доцент З.Ғ. Ғаффоров, п.ф.н, доцент З.Р. Нуриров, А.А. Климов, п.ф.н., доцент Ш.Т. Исеев, п.ф.н, О.А. Қурбоновлар футбол ўйини техникаси ва тактикаси ҳамда мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасида кўплаб ишларни амалга оширмоқда.[6]

Футбол жисмоний тарбия ва спорт тизимининг йирик ва мустақил тармоқларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон, унинг вилоятлари ва туманларида ўзига хос ривожланиш тарихига эга. Футбол Ўзбекистонда энг оммалашган спорт турлари қаторига кирсада, республикамизнинг барча минтақаларида у турли даражада «обрў-эътибор» қозониб келган. Тошкент шахри, Қорақалпоғистон ва барча вилоят туман, шаҳар ва қишлоқларида футбол хурматга сазовор бўлиб бормоқда. Бундай вазиятнинг сабаблари деярли шу вилоятлар тарихий - ижтимоий негизлари билан боғлиқ деб тахмин қилинсада, лекин масала чуқур изланишни, мавзуга оид тарихий маълумотларни илмий асосда ўрганишни тақазо этади. [7]

Эътиборга лойиқ жойи шундаки, мустақиллик йилларида ўзбек футболининг тараққиёти республикамизда янгича йўналишда давом этиши кўзга ташланаётир. Жумладан, 1992 йилдан бошлаб мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон миллий чемпионати футболнинг янада ривожланиши ва равнақ топишига катта таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда тадбиқ этилган ўкув муассасалари ўртасида ўтказилаётган 3 босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалар ҳамда маҳалла ёлари орасида ўтказилаётган беш ташаббусда футбол кенг ривож топишига муҳим туртки бўлмоқда. [8]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда профессионал жамоалар доираси кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон футболини янгича йўналишда тараққий эттиришда уни вилоятларда «ҳаракатга» келтириш, хорижий давлатларнинг футбол жамоалари билан алоқа боғлашда, улар билан расмий мусобақаларни ташкил қилишда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳам яхши фаолият кўрсатмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

- 1.Ахматов М.С. Ўзлуксиз таълим тизимида оммавий спорт ҳаракатининг ташкилий ва бошқарув асослари. “ Фан – спортга “ 2004, №2.
- 2.Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг ҳиндистон билан илмий - техникавий алоқалари. Academic research in educational sciences.Issn 2181-1385 volume 3, issue 5 may, 2022.-Б.1059
3. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмитехникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021. 2-сон.-Б.16
- 4.Абидов Шавкат Усманович Ёш футболчилар мусобақа фаолияти кўрсаткичларининг техник тайёргарлик самарадорлиги билан ўзаро боғлиқлиги: Педагогика фан.ном...дисс.автореф. – Т. 2011.-Б.15
5. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари. Academic research in educational science. Volume 2 | special issue 2 | 2021.02; -Б.987
6. Исраилов Ш.Х., Абидов Ш.У. Обучения технике игры в футбол юных спортсменов с учётом возрастных особенностей //Журнал «ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ». - Бишкек, 2009. - №7.
- 7.Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан илмий - техникавий алоқалари. Academic research in educational sciences, 2021.05.volume.2. Issue.5.-Б.1017.
- 8.Жаҳонгиров Б.Б. Международные связи Узбекистана в области науки. International scientific and practical conference. The time of scientific progress, Warsaw, Polsha, 05.11.2022. Session1, Part 3. – С.20.